



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ ҚАРОРИ

Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси  
миллий валютасидаги ҳисобвақларини юритиш тартибига ўзгартериш  
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Валютани тартиба солиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 231-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобвақларини юритиш тартибига (рўйхат рақами 510, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. Нурмуратов

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 “февраль

3/7-сон



000063

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2019 йил 16 февралдаги  
3/7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси  
миллий валютасидаги ҳисобваракларини юритиш тартибига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2.1-бандда:

кўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“уюшган савдоларда жамият акцияларини сотиб олишни (сотишни) амалга  
оширувчиларга;”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 2.2-бандда:

кўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ваколатхона ташкил этган норезидент – юридик шахснинг Ўзбекистон  
Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари ва бошқа  
даромадлари;”;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 2.4-банддан учинчи жумла чиқариб ташлансин.

4. 5.2-банд кўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“доимий муассаса ташкил этган норезидент – юридик шахснинг Ўзбекистон  
Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари ва бошқа  
даромадлари.”.

5. 6-бўлимнинг номи ва 6.1-банд “савдоларида қатнашувчи” деган сўзлардан кейин  
“ва уюшган савдоларда жамият акцияларини сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчи”  
деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 6.2-бандда:

кўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“уюшган савдоларда акцияларни сотиб олишдан (сотишдан) тушган маблағлар;”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

